материалларни чуқур ўрганиб қуйидагилар ўрнатилди: хаивонлардан ъар бештадан бири, амфибиялардан тўртдан бири, фаунамиздаги қушлардан ъар бештадан бири бугун хавф остида. 25000 турдаги олий ўсимликлар ер юзида бутунлай йўқолиш чегарасида. Кейинги 60 йил ичида планетада 77 ъайвонлар тури, 26 турдаги қушлар йўқолди...

**Қарор** - майли, инсон ъали тўзатиш мумкин бўлганларни тузатсин!

Агар тўзата олмаса-чи? Унда инсон зоти ъам тур қатори йўқолади. Чунки у бизларсиз, тоза ъавосиз, тоза сувсиз ва кўнгли бошқаларсиз яшай олмапди.

**Қурбақа:** демак, инсон ўзини-ўзи ўлим жазосша ъукм қилар эканда.

**Судря:** шундай буляпги.

**Ъаммаси:** қандай даъшат !!

Ўқитувчининг таокидлашича бу «дарс-суд» сценарийсида синфдан ташқари тадбирларда фойдаланиш яхши самара берар экан. Унинг мазмунидан кўриниб турибдики. ўқитувчи табиат муъофазасига оид куп хажмдаги материалларни қўшимча адабиётлардан тўплаб ва улардан ўқувчилар ўртасида ролларни тақсимлашда ўз ўрнида фойдалана олган. Ўйинли дидактик жараёни тури лойиъаланганлиги учун «дарс-суд» ўқувчиларда кучли мотив уйьотади ва ўқув материални ўзлаштириш самарали кечади.

Унда ўқитувчига қуйидагиларга эотибор беришга тавсия этилади:

-фан ва мавзу хусусиятига(атрофимиздаги олам, табиатшунослик фанларининг табиий ъарактери; болалар онгига, дунекарашига, тасаввурларига таосири, атрофимиздаги оламни асрашга қаратилганлиги);

-дарснинг маолум босқичнинг (такрорлаш босқичи, мавзуни тушунтириш босқичи, мустаъкамлаш босқичи, якунлаш босқичи ва хоказо) мақсадига ва хусусиятларига;

- усулнинг имкониятларига (уни болалар иплайдими);

- ўқитувчининг имкониятларига (стол-стулларни кўчиришига, болаларни бошқа шаклда жойлашишига муляжларни ва макетларни тйёрлаш, сақлаш ва дарсларда фойдаланиш) ва хоказо.

Фақат юкоридагиларни ъисобга олиб, ўқитувчи ўз фаолиятида замонавий педтехнологияларни қўллашда самарали натижа олади.

Хулоса қилиб айтганда, янги педагогик технология таълим-тарбия жараёнида хукм сураётган инқироздан кутулишнинг жуда муъим мезонидир.

**Бошлангич таълимда қуллаш учун тавсия этиладиган тестлар (2-сиф учун).**

**1. Мақолни топинг:**

А) Еркин егатга ертагиекинни екди.

В) Бир кун бурун сочсанг,

Ъафта бурун ўрасан.

С) Айтсалар ойим бизга,

Уйқу келади кўзга.

**2.«Шамол ботир» ертагидаги шамол юлида нимани учратди?**

А) Қишни.

Б) Чумолини.

С) Қўньизни.

**3.«Тегирмонда кесак отма, ўзингга тегади» деган нақл қайси ертакдан олинган?**

А) «Шамол ботир».

Б) Куйни севган гуллар ъақида эртак.

C) «Томчи ъақидаги эртак»дан.

**4.«Бувижонимга» шеорининг муаллифи ким?**

A) Миршакар.

Б) Ъилола Исоқова.

C) Қамбар ота.

**5. 8-март байрами кимларнинг байрами?**

A) Онажон, бувижонларнинг.

Б) Хотин-қизларнинг.

C) Ъаммаси тўьри.

**6.«Расм» ъикоясидаги бола катта бўлса нима иш қилади?**

A) Куй чалади.

Б) Расм чизади.

C) Машина ъайдайди.

**7. «Нилуфар» ертагидаги чол билан кампир нимани орзу қиладилар?**

A) Фарзандли бўлишни.

Б) Бой бўлишни.

C) Ъосил мўл бўлишини.

**8.Сувгули – Нилуфар олдин ким бўлган?**

A) гул бўлган

Б) қизча бўлган

C) сув гули бўлган.

**9.Азиза Аъмедованинг «Гуллар суъбати» ъикоясида қатнашган гулларнинг номини топинг:**

A) Атиргул, чиннигул, тугмачагул.

Б) Наврўзгул, бинафша, наргизгул.

C) Райъон, ўсма, ялпиз.

**10.«Наврўз таомлари»ни белгиланг:**

А) мастава, палов

Б) димлама, шавла

C) сумалак, кўк сомса, ъалим.

**11.«Сумалак»нинг киши ъаётида қандай фойдаси бор?**

А) Ланж ва беъол қилади

Б) Соьлигини тиклайди, бардам қилади

C) Кўнгилгатегади, бошни оьиртади

**12.Полвон бўлиш учун  нималар қилиш керак?**

А) кўп овқат ейиш

Б) кўп дам олиш

C) югуриш, оьир тошлар кўтариш.

**13.Спорт турларини топинг:**

А) футбол,  кураш, сузиш

Б) мактмаб, ўйингоъ

C)копток, турник.

**14.Азиз инсонлар хотирасини еслатувчи майдон номини топинг:**

А) Мустақиллик майдони

Б) Шаъидлар ъиёбони

C) Миллий боь.

**15. 9-май қандай кун ъисобланади?**

А) Хотира ва қадрлаш куни

Б) Ьалаба байрами

C) Ъаммаси тўъри.

**MEHNATGA MUHABBAT-IZZAT, SAODAT…**
**(«Бошланьич таълим», 2008 йил №6, 6-7 бет)**

Maqsad: O‘quvchilarda eng yaxshi insoniy fazilatlarni shakllantirish, ularni shirinsuxanlikka, so‘zlashuvda madaniyatli munosabatda, mehnatsevarlikka, halollikka, ona yurtni avaylab-asrashga o‘rgatish. Ularni yoshlikdan kasb tanlashga, hunar o‘rganishga tayyorlab borish. Vataniga sadoqatli farzand bo‘lish, buning uchun, eng avvalo, ilm olish lozimligi uqtirish. Mehnat va ilm-saodat kaliti ekanligini dars jarayonida mukammal tushuntirib borish.

Sinf xonas mehnat qurollari, har xil kasb-korlar haqidagi hikmatli so‘zlar, plakatlar, mehnat darsida o‘quvchilarning o‘z qo‘llari bilan yasagan buyumlari bilan bezatiladi. O‘qituvchi bolalar bilan salomlashib, mavzuga qisqacha to‘xtalib o‘tadi:

- O‘zbekistonning o‘zligi,
Salomidan bilinur.
Mehrga to‘la qaynoq,
Kamolidan bilinur.

Assalomu alaykum aziz ustozlar va o‘quvchilar. Bugun biz «Kim bo‘lsam ekan?» mavzusida kichik tadbir uyushtiramiz. Hammamizga ma’lumki, inson hayotini bezaydigan, unga baxt-saodat keltiradigan boylik, farovonlik baxsh etadigan yagona narsa bu-mehnatdir. Insonlar halol mehnatlari orqali obro‘ orttiradilar va o‘zlarining baxtli kelajagini yaratadilar. Bobomiz Bahovuddin Naqshbandiyning «Ko‘ngling Ollohda, qo‘ling mehnatda bo‘lsin» degan hikmatli so‘zlari bor. CHunki mehnat insonni haqiqiy baxt sari eltuvchi mukammallikdir.

O‘quvchilar bobokalonimizning hikmatli so‘zlari, maqol va she’rlaridan namunalar aytishadi.

- Hunar o‘rgan, ey o‘g‘lon,
Hunar senga asqotar.
Hunarlar ko‘p, soni yo‘q,
Sanasang, qator-qator.
- O‘rgan, o‘g‘lim, yigitsan,
Yetmish hunar oz senga.
«Hunarli er kam bo‘lmas»,

Maqolini ol esingga.
- Mayli duradgor usta,
CHilangar bo‘l, xohishing,
Xalqqa biror manfaat,
Yetkazsin qilgan ishing.
- binokor bo‘l, ha, balli,
Bizga soz uylar kerak.
Bastakor bo‘l, marhamat,
Sho‘x qo‘shiq, kuylar kerak.
- Rizamat bobodek bo‘l,
Yashnat Vatan bog‘larin.
Har qarichi oltindir,
CHeksiz bug‘doyzorlarin.
-hunarli bo‘l, ilm ol,
Har ikkisi ham zarur.
Hunar-bu baxtu iqbol,
Belga davlat, ko‘zga nur.

O‘quvchilar birin ketin maqol va nasihatlardan namunalar o‘qiydilar.

- YOshlikdan o‘zingni o‘zing eplashga odatlan.

- Uy ishlarini bajarishda ota-onalaringizga yordamlashing.

- Mehnat – baxt keltirar.

- Mehnat – yarim ibodat.

- Ishga jonu dilingiz bilan kirishing, odamlar baraka topsin, ota-onasiga rahmat, qo‘l-ko‘zi dard ko‘rmasin, deyishsin.

- Mehnat qilsang yasharsan, katta katta osharsan.

- Birovlar ishlayotganda tomoshabin bo‘lib turish odobdan emas.

- Hunarin bo‘lsa qo‘lingda, non topilar yo‘lingda.

- Qo‘lingizdan kelmaydigan ishga qo‘l urmang.

- Urinchoqlik, hojatbarorlik – yaxshi fazilat.

- Mehnatni sevish, g‘ayrat va matonat bilan ishlash lzim. Bunda uchta shirin meva bor: tan salomatligi; ko‘ngil rohati; obro‘ning ortishi.

- Mehnatni salomatlikning kaliti, deb bil.

- Eng yaxshi axloqiy va estetik dori – mehnatdir.

- «Avesto»dan: «Mehnat qilmaydigan kishi, sen haqiqatdan ham tilanchilar qatorida o‘tirasan».

- Mehnat bilan yashab, o‘z hayotingni mehnat bilan yashnatib kelayotgan

odamlarni hurmat qilish, ularni boshga ko‘tarish, hordiqlarni, huzur-halovatlarni o‘ylash odamiylikning eng muhim shartlaridan biridir.

O‘qituvchi: - Mana, biz buyuk ajdodlarimizning hikmatli so‘z va nasihatlari, o‘gitlaridan tingladik. Ushbu nasihatlarga amal qilgan siz, o‘quvchilar, kelajakda albatta, aqlli, dono, mehnatsevar, izzatli insonlar bo‘lib etishasi.

Aziz, bolalar, bu nasihatlarni esingizdan chiqarmay, unga doimo amal qiling.

Bolalar «O‘quvchiga estalik» she’rini yoddan aytishadi.

O‘qituvchi: - Aziz o‘quvchilar, hademay, vaqt o‘tib, maktabni bitirasiz. Har qaysingiz o‘zingiz yoqtirgan kasbni egallash uchun turli kollej va litseylarga so‘ngra oliygohlarga o‘qishga kirasiz. Hozirdanoq vaqtni bekor o‘tkazmay, ilm olib, qunt bilan o‘qishingiz darkor.

Bir o‘quvchi «Kim bo‘lsam ekan?» she’rini o‘qiydi. Shundan so‘ng turli kasb egalariga xos kiyinishgan bolalar o‘rtaga chiqishadi va she’r aytadilar:

- O‘qituvchi-ulug‘ kasb,
Kelajakning ziyokori atalur.
Minglab yurtim farzandlari qo‘lida,
Ilm olib, kamolotga etadir.

**Fermer-paxtakor**:

- Paxtakor akam kabi,
Shu kasb egasi bo‘lgum.
Mashinada paxta terib, men elimga tanilgum.
Ona yurtim qo‘llagay,
Ko‘ksim to‘lar medalga.
Eh, hozircha etmaydi,
Oyoqlarim pedalga.

**Muhandis:**

- Oilada dadajonim
Muhandis quruvchilar.
Mehnatda doim faol,
Ham ish yurituvchilar.
Men ham dadajonimga
Niyatim-izdosh bo‘lay.
Muhandislik kasbini
Havas qilib, ulug‘lay.

**Sartarosh (oq xalatda, qaychi, taroq qo‘lida):**

- Hunarlarning ichida
Zo‘ri bilsang-sartarosh.
Orasta men tufayli
Sochu soqol, qalam qosh.

**Yana bir o‘quvchi vazminlik bilan so‘zlaydi**:

- Men vazirman, xalqim hamda
Vatan uchun jon fido.
Xizmat qilsam el-yurt uchun
Ona xalqim qilar duo.

**Yozuvchi (qo‘lida kitob):**

- Kitob yozib odamlarga
Yaxshilik ulushaman.
Qalam bilan yovuzlikka
Qarshi men kurashaman.

**Quruvchi:**

- Orzularim ulashib,
Men quruvchi bo‘laman.
Osmono‘par binolar,
Maktab, bog‘cha, saroylar,
Qurishni do‘ndiraman.
Dersiz: Buni kim qurgan?
Javohirning ishi bu,
U zo‘r quruvchi bo‘lgan.
Albatta, bu-zo‘r orzu,
Bunga kerakdir savod.
Yaxshi o‘qisam agar,
Orzuim yozar qanot.

**Uchuvchi:**

- Tegib o‘tsam bulutga,
O‘xshab go‘yo burgutga.
Uchuvchi bo‘lsam deyman,
Samoni quchsam deyman.

**Nonvoy:**

- Issiq tandir oldida,
Non yopish ham osonmas.
Nonni isrof qilganlar,

Buni bilsa, yomonmas.

**Duradgor usta:**

- YOg'och taxta tilga kirar,
Duradgorning qo'llarida.
Stol, stul tayyor bo'lib,
Turar uy to'rlarida.
Arra, randa, bolta, tesha,
Duradgor ish quroli.
Halol mehnat qilib topar,
Osh bo'lsin egan noni.

**Tikuvchi:**

- CHiroyli liboslarni
Juda yaxshi ko'raman.
Katta bo'lsam, albatta,
Zo'r tikuvchi bo'laman.
Sizga nima? Ko'ylakmi?
YO tikib beray nimcha?
Shoshmay turing, azizlar,
O'rganib olay picha.

**Shifokor:**

- Shifokor bo'lay men ham,
Dardlarga bo'lay malham.
Buvi, amma, xolaning,
Dunyodagi hammaning,
Dardiga topay davo.

O'qituvchi: - O'quvchilar, ma'lumki, huquqlarimiz Bosh qomusimiz bo'lgan Konstitutsiyamiz moddalarida birma-bir belgilab qo'yilgan. Uning har bir moddasida inson manfaatlari aniq namoyondir. O'quvchilar Qomusimizning inson huquqlariga doir moddalaridan misollar keltirishadi:

**1-o'quvchi**: - Har kim bilim olish huquqiga ega IX bob, 41-modda. Bepul umumiy ta'lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi.

**2-o'quvchi**: Voyaga etgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar. XIV bob, 45-modda.

**3-o'quvchi**: - Voyaga etmaganlar, mehnatga layoqatsizlar va yolg'iz keksalarning huquqlari davlat himoyasidadir. X bob, 45-modda.

**4-o‘quvchi:** - Har bir shaxs mehnat qilish, erkin kasb tanlash, adolatli mehnat sharoitlarida ishlash huquqiga egadir. IX bob, 47-modda.

(Ona Vatan, millat sha’ni haqida she’r aytiladi).

- Millat ruhi yashar erk kitobida,
O‘zbekona yangrar qo‘shiq kuyimiz.
Ilmu fan, texnika, hunar bobida
Dunyo andozasi-orzu-o‘yimiz.
- Biz elning yosh kuchu-qudratimiz,
Vatan kutar, safdosh do‘stim, yodda tut!
Biz-ajdodning voris avlodlarimiz,
O‘lkam kelajakgi-buyuk ona yurt.
- Poyimda zaminim – shu ko‘hna Turon,
Barqaror millatim, o‘z ona tilim,
«Kasb-hunar egalla, ol ilmu urfon»,
Deya bizni chorlar mehnatkash elim.
(Maqsud Shayxzoda she’ri bilan darsga yakun yasaladi).
- Gulchilar guli yuilan,
Olim usuli bilan,
Ishonch mahsuli bilan,
Shoirlar she’ri bilan,
Poytaxtning raislari,
Tuzagan shahri bilan,
Gilamdo‘z gilam bilan,
O‘quvchi qalam bilan,
Xonanda maqom bilan,
Oshpazlar taom bilan,
Bog‘bonlar uzum bilan,
Konchi qora gavhar-la,
Paxtakor oq-zar-la,
«Labbay» deya Vatan da’vatlariga,
Savlat qo‘shar, elu yurtning savlatlariga.

O‘qituvchi: - Mana, o‘quvchilar biz mehnat va mehnatsevarlik haqida mukammal kasb-hunar egasi bo‘lish, halol rizq-ro‘z topib, baxtli yashash, mamlakatimizning gullab yashnashiga o‘z hissamizni qo‘shish lozimligi borasida keng tushunchaga ega bo‘ldik. Mehnat borasidagi she’rlar, hikoyalar, rivoyatlar, hikmatli so‘zlarni qiziqib o‘qidik. Aziz bolalar, kelajakda mehnatsevar bo‘lib, eng yaxshi fazilatlarimiz bilan kattalar mehrini qozonaylik. Vatanga munosib farzand bo‘lib ulg‘aymoq uchun esa, eng avvalo, odobli bo‘lmoq, kattayu kichikni hurmat

qilmoq, mehnatning qadriga etmoq, bobolar o‘g‘itiga amal qilmoq, ota-ona, ustoz aytganlarini ado etmoq zarur bo‘ladi. Siz, bolajonlar, bularning barchasini yodingizdan chiqarmasangiz bo‘lgani.

Dars yakunida faol ishtirok etgan o‘quvchilar rag‘batlantirilib, uyga vazifa beriladi.

## O'SIMLIKLAR VA HAYVONOT DUNYOSI

**(«Бошланьич таълим», 2008 йил №6, 26-27 бет)**

Darsning ta'limiy maqsadi: o'quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatini o'stirish, ekologik dunyoqarashini, madaniyatini, tafakkur doirasini kengaytirish.

Dars jihozi: O'simliklar tasvirlangan suratlar, tabiatni muhofaza qilishga bag'ishlangan eksponatlar, davlat muhofazasidagi qoYiqxonalar haqida ma'lumot beruvchi texnik vositalar, testlar.

Darsning borishi: O’qituvchi o'tgan mavzularni slaydlar yordamida ko'rsatib, o'quvchilarga eslatadi. Interfaol usul yordamida o'quvchilar bilimlari mustahkamlanadi, tekshiriladi.

1. Siz tuproqda suv va havo borligini qanday bilib oldingiz?
2. Qanday tuproq qum tuproq deb ataladi?
3. Qanday o'simliklar yovvoyi hoida o'suvchi o'simliklar deb ataiadi?
4. Hayvonlar va o'simliklar hayoti o'rtasidagi bog'liqlik qanday?

O'quvchilar guruhlarga bo'linadilar, Ular stoldagi rasmli kartochkalardan xohlaganlarini tanlab oladilar va o'zlarini qaysi guruhga mansub ekanliklarini rasmlar orqali bilib oladilar. So'ng belgilangan joyda doira shaklida o'tiradilar.

O'qituvchi tabiatni asrash mavzusida hikoya qiladi.

- Tabiat Olloh tomonidan yaratilgan bir mo'jizadir. Yashab turgan zaminimiz, tuprog'imiz, ichib turgan suvimiz, nafas olib turgan havomiz ham ana shu mo^jizaning asosiy ko'rinishlaridan. Shunday ekan, biz ana shu tuproq, shu tabiatni e'zozlashimiz, unga mehr-muhabbat koYsatishimiz kerak. Tabiatga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish, uni asrash har birimizning insoniy burchimizdir. Biz ana

shu burchimizni unutmasligimiz kerak. Yer usti va yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zahiralar millatimiz boyligi hisoblanadi. Ularning davlatimiz tomonidan himoya qilinishi haqida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 55-moddasida aytib, belgilab qo'yilgan.

O'zbekiston diyorimiz, ko'rib turibsizki - gullar diyori. Tabiatning go'zalligi gullar biian. Gulga qarab ba'zan hayron qolasan kishi, Undagi go'zaliik, nafislik, ranglar jilosi insonlarni doimo lol qoldirib kelgan.

Bahor darakchilari - binafsha, boychechak, chuchmomalar tabiatni o'z chiroylari bilan bezaydi. Ular insonga zavqu shavq bag'ishlaydi.

So'ng o'qituvchi guruhlarga topshiriqlar beradi.

1-topshiriq: Guruhlar gullar haqida bilgan she'rlarini yod aytadilar.

Topshiriq bo'yicha o'quvchilar javoblari tekshiriladi va rag'batlantiriladi.

2-topshiriq: 1-2-3-guruhlarga o'simliklar hayoti haqidagi savollar beriladi. 4-5-6-guruhlarga tuproq haqidagi savollar beriladi.

Ikkala guruhga savollar kartochkalarda tarqoq holda beriladi.

3-topshiriq: guliar uchun, ya'ni gullar olamiga foydali maslahatlar berish. O'quvchilar topshiriqqa asosan o'zlari bilgan maslahatlarini boshqa guruhlarga gapirib beradilar.

*Namunalar:*

«Bir guldonga xilma-xil gullarni solib qo'yish mumkin emas». «Qalampirgul va marvaridgul boshqa gul laming so'lishini tezlashtiradi». «Atirgul, chinnigul va nilufarni alohida qo'ysangiz, uzoq vatqgacha o'z tetikligini saqlaydi».

«So’ligan lolaiarni tiriltirish mumkin. Buning uchun ularni yonib turgan elektr chirog'i tagiga bir muddat qo'yib olish kifoya».

«Xona gullarini me'yoridan ortiqcha sug'orish qurg'oqchilikdan koVa xavflidir. Ularga ehtiyojdan tashqari suv quymang».

4-topshiriq: hamma guruhga krossvordnl kirn tezda yecha olish vazifasi topshiriladi. O'simlikning nomi kelib chiqadi.

1. Salqinga ma'nodosh so'z.

2. Hasharot.

3. Mehnatsevar hasharot.

4. Mehnat quroli.

5. Transport.

6. Qush.

7. Tana a'zosi.

8. Uy hayvoni.

VI. Topshiriq.

Test

O’quvchilarga harflar berib qo'yiladi. Test jarayonida to'g'ri javob uchun kerakli harfni ko’rsatadilar.

**1. Issiq va sovuq havoni almashib turishi nima deb ataladi?**

a) Kun va tun b) shamol d) temperatura

**2. Suv necha holatda bo'ladi?**

a) 2 v) 3 d) 1

**3. Qanday holatda suv muzga aylanadi?**

a) 38°S v) 0°S va undan past d) l°S

**4. O'zbekistonda qanday kalsitlar bor?**

a) ohaktosh va marmartosh

v) qum va gel

d) suv va havo

**5. Nima jonli tabiatga kirmaydi?**

a) daraxt v) odam d) havo.

Darsni yakuniash. Har bir guruh o'zining eng faol qatnashgan bilimdon a'zolari balini e'lon qiladi.

Uyga vazifa.

- Daftaringizga tabiatni asrashda sizning burchingiz nimalardan iborat ekanligini yozib keling.

## INTERFAOL USULLAR

## («Бошланьич таълим», 2008 йил №7, 2-3 бет)

«Ta'lim to’g’risida»gi Qonun va «Kadrldar tayyorlash Milliy dasturi» ta'lim sohasida amalga oshiriladigan ishlarning maqsadi, vazifalari va yo'nalishlarini belgilab berdi. Shu ma'noda ta'lim sohasidagi yangiliklar va o'zgarishlar ijtimoiy taraqqiyotning omili sanalanadi.

Ta'lim sifatini yaxshilash, talabalarning intellektual faolligini oshirish bugungi kunda pedagogikaning bosh vazifasi hisoblanadi.

Intellektual faollikni oshirishda interfaol usullardan foydalanish yaxshi samara beradi. Interfaol usullar esa **(Interaktion** - inglizcha - aro, o'zaro, **ast** - harakat ma'nosini anglatadigan so'zlardan iborat) o'zaro harakat yoki hamkorfik asosidagi harakatni bildiradi. Mazkur usulning bir qancha turlari mavjud.

Bularga: «fikriy hujum» («fikr jangi»), «sinektika», «mojaro» metodi, «dumaloq stol», «uch bosqichli intervyu», «muammolarni hal qilish» metodlari, «stol o'rtasidagi ruchka», «galereyani aylanish»/ «akademik munozara», «qor boVon» metodlari, «asalari galasi», «kritik vazifani tahlil qilish» va boshqa usullar kiradi.

Quyida shulardan ayrimlarini e'tiboringizga havofa etamiz.

### «Fikriy hujum» metodi

Metodikaning asosiy qoidalari:

- g'oyalarni shakllantirishga xalal beradigan har qanday mulohaza va tanqidiy fikrlarni bajarmaslik;

- yangicha fikrni qo'llash va fikr qanchalik odatdan tashqari bo'lsa, uning shuncha yaxshi bo'fishini hisobga olish;

- eng ko[1]p sonli **takliflar** olish;

- g'oyalarni rivojlantirish;

- har tomonlama dalil-isbotlar keltirmasdan turib, qisqa fikrlarni bayon qilish;

- guruhni g'oya beradigan talabalar guruhi va ularni ishlab chiqadigan talabalar guruhiga bo'lish.

Metodikaning asosiy qoidalariga amal qilish vaziyati eng ma'qul yechimni topishga, muloqot olib borish, himoya qilinayotgvn metod talablarini o'z nuqtai

nazaridan isbotlash, himoya qilish, har qanday nuqtai nazarning to'g'riligiga hammani ishontirishga oVgatadi.

Masalan, pedagogika fanidan: «Ilmiy pedagogik tadqiqotlar metodologiyasi va metodlari» mavzusi o'tilayotganda o'qituvchi doska oldida turib, «Pedagogika fanlarida qanday tadqiqot manbalari mavjud?» degan savolga variantlar berishni talabalarga taklif etadi. Talabalar ularni sanab o'ta boshlaydilar:

1) o'quvchilar faoliyati;
2) o'quvchilar tarbiyasi;
3) o'qituvchilar faoliyati;
4) maktabdagi o'quv-tarbiyaviy ishlar;
5) ota-onalar faoliyati;
6) jamoatchilikning tarbiyaviy ishlar sohasidagi faoliyati;
7) bolalar va o'smirlar uyushmalari faoliyati va h.k.

O'qituvchi topshiriqni tahlil qilishda har bir talaba qatnashadigan bo'lishini kuzatib boradi, bunda javoblarning birontasi ham izohlab o'tilmaydi va oVinsiz deb rad etilmaydi. Guruhda variantlar qolmaganidan keyingina muhokamaga kirishish mumkin: «Ta'lim-tarbiyadagi hodisa va dalillar uzoq vaqt, muntazam, ma'lum maqsadga qarata ixtiyoriy idrok qilinadimi? Qanday tadqiqot metodlaridan foydalanish mumkin? Yana qanday manbalarni pedagogik manbalar deb atash mumkin? Hozirgi davr talabidan kelib chiqib, qanday sohalarni tadqiq etish zarur, deb o’ylaysiz?» Talabalar o'qituvchi bilan birgalikda barcha variantlarni faollik bilan muhokama qila boshlaydilar. Va bu oYinda noto'gVi javoblarni tanqid qilishga va noto'gVi bo'lib chiqqan variant xususida tanqidiy munosabatni asoslashga ruxsat berilmaydi. Faqat mashg'ulot oxirida o'qituvchi bilimlarni yanada mustahkamlash uchun to'g'ri variantlarni yozib olishni talabalarga taklif etadi.

Metodning maqsadi - guruhdan qisqa vaqt ichida ko'p miqdor variantlarni olish, talabalar nimalarni bilishini aniqlash. Mashg'ulot davomida muammoni hal eta oladigan g'oyalar taklif etilishi, umumiy tajriba yuzasidan fikr almashish uchun zamin yaratilishi va talabalar o[1]z istaklarini bildirishi mumkin. Bu jarayon mohiyati shundan iboratki, guruhga mavzu, savol yoki tugallanmagan taklif beriladi. Guruh a'zolari bir necha daqiqa davomida shu mavzu yuzasidan gaplashib, qanday fikr kelsa,

shularning hammasini aytishadi va bularning hammasini tinglash, boY bilan doskaga yoki daftarga yozib borish tavsiya etiladi. Gaplarning hammasi, ular qanchalik noaniq, bema'ni yoki bahsli bo'lmasin, yozib qo'yilaveradi. Hamma o'z fikrini muhokama qilmasdan turib, bayon qiladi, chunki maqsad ko'proq miqdorda va xilma-xil takliflar olishdir. Bu paytda hech qanday ta'qiqlar bo'lmaydi va hech qanday baholar berilmaydi. Qatnashchilarda takliflarni tahlil qilish, norozilik bildirish va taklif etilgan hamma fikrlarni muhokama qilib chiqish uchun kengroq imkon boMadi. Agar faoflik sust bo'lsa, o'qituvchi o'z fikrlaridan ba'zilarini yozib olishni taklif etishi mumkin.

Metodning qiymati shundaki, u guruhni birlashtirib, yakdil qiladi. Har bir talabaga uning taklifi yozib olishga arzigulik ekanligini sezish uchun imkon beriladi. Bu narsa muammoni echishni musobaqaga aylantirmasdan, balki birgalikda bajariladigan ishga aylantirishga imkon tugYJiradiki, bunda guruhning boshqa bir a'zosi emas, muammoning o'zi asosiy raqib bolib qoladi. Shunisi muhimki, guruhning qiladigan xatti-harakatlari tartibini o'qituvchi fikriy hujumning eng boshidayoq tushuntirib berishi kerak. Guruhni topshiriqdan chalg'itishga yo'l qoVmaslik ham muhim: fikr jangida ishtirok etishga o'rganib qolgan guruh ham takliflarni muhokama qilishga vaqtidan ilgari kirishib ketishi mumkin. Berilgan takliflarni yozib borish uchun bir kishini ajratish o'rinlidir, bu narsa jarayonni quvvatlab borish va talabalarning fikrlash jarayoni sur'atlarini pasaytirmaslik uchun o'qituvchiga yordam beradi.

«Fikriy hujum» metodini tadbiq etish uchun tavsiyalar:

- u mavzuga mos keladigan bo'lishi uchun uni otkazishga yaxshi tayyorlanish;

- guruh oldida muhokama yuritish uchun mavzuni aniq ta'riflab berish lozim.

«Fikriy jang» odatda og'zaki shaklda o'tadi: o'qituvchi savol beradi, talabalarning esa barchasi munozaraga tushmasdan, o'z fikrlarini galma-gal bayon qilishadi. Bunda fikrlarning hammasini barchaga namoyish qilib koYsatib qo'yilmaguncha muhokama qilmaslik nihoyatda muhim;

- jarayonning tartibi va maqsadini talabalarga tushuntirib qo'yish iozim;

- xoh o'qituvchi bo'lsin, xoh talaba bo'lsin, ularning har qanday gYjyaga

salbiy baho berishlariga yo'f qo'ymaslrk kerak;

- kimning gYjyalari ro'yxati ko'proq bo'lsa, o'sha yaxshi hisoblanadi.

## «Dumaloq stol» metodi

Topshiriq yozib qo\i[gan qogYjz varag'i davra bo'lab aylantiriladi. Har bir talaba o'zining javob variantini yozib qo'ygach, varaqni boshqa talabaga uzatadi. Keyin muhokama bo'ladi: noto'gYi javoblar oYjhiriladi, to'gYi javoblarning soniga qarab talabaning bilimlariga baho beriladi. Bu metodni faqat yozma shaklda emas, balki og'zaki shaklda ham qo'llash mumkin.

Berilishi mumkin bo'lgan topshiriqlarga misollar:

- tarbiyaning tarkibiy qismlari qaysilar?;
- aqliy tarbiyaning hozirgi davr talabi nimada?;
- axloqiy tarbiya vazifalari qaysilar?;
- ekologik tarbiyaning mohiyati nimada?;
- mehnat va iqtisodiy tarbiyaning muhim vazifalarini izohlang;
- estetik tarbiyaning vazifalarini ayting;
- jismoniy tarbiyaning bugungi kundagi ahamiyati;
- huquqiy tarbiyaning muhim belgilari qaysilar?

Shuni esda tutish kerakki, yaxshi qo'yilgan savol, bu - javobning yarmisini o'zida jo etgan savoldir.

## «Ruchka stol o’rtasida» metodi

Butun guruhga topshiriq berifadi (masalan, o'quvchi shaxsining rivojlanishi va shaklanishiga ta'sir etuvchi, shaxs rivojlanishi va shakllanishining asosiy omillarini birma-bir ko’rsatib o’tilsin). Har bir talaba bitta javob variantini bir varaq qog’ozga yozib, uni qo'shnisiga beradi, o'z ruchkasini esa stolning o’rtasiga surib qo’yadi.

Topshiriqqa misol:

O'qituvchining guruhga beradigan topshirig'i shaxs rivojlanishi va shakilanishiga ta'sir etuvchi asosiy omillarni hayotiy misollar bilan sharhlab berish.

Ajratilgan 10-15 daqiqa vaqt ichida guruh mumkin qadar ko'proq sonda javob variantlari berishi kerak. Bir varaq qog'ozga yozilgan topshiriq bir talabadan

ikkinchisiga uzatiladi. Talaba javobni yozib, qog'ozni keyingi talabaga uzatadi, ruchkasini esa, o'ziga ro'baro' qilib, stolga qo'yib qo'yadi. Javobni bilmaydigan talaba qog'ozni keyingi talabaga uzatadi-yu, lekin ruchkasini qoMida olib qoladi. Bu metodikaning yana bir sharti: bitta variantni ikki qayta berish mumkin emas, boshqacha aytganda, qaytariqlar bo'iishiga bu o'rinda yo'l qoyilmaydi.

Topshriq bajarildi. Javob variantlari yozilgan qog'oz o'qituvchida. U o'sha variantlarni sanab o'tadi.

Variantlar sanab o'tilar ekan, ularning har biri bir yo'la muhokama qilib boriladi: Insondagi tugYna qobiliyatni qanday izohlaysiz? Bolani o'rab turgan ijtimoiy muhit deganda nimani tushunasiz? Va hokazo.

«Ruchka stol oYtasida» metodi bir qancha afzalliklarga ega. Jumladan,

- o'qituvchi mashg'ulotga kirn tayyor, kirn tayyor emasligini koYib turadi;

- mashg'ulotga tayyorlanmagan talaba og'zaki muhokama paytida koYib chiqilayotgan mavzu yuzasidan anchagina foydali bilimlar olishi mumkin;

- bu guruhda olib boriladigan ish bo'lib, talabalar intizomini mustahkamlaydi va ularni jipslashtiradi, chunki o'z varianti ustida juda uzoq oVIab o'tiradigan talaba butun guruhga ajratilgan vaqtni sarflaydi. Shuningdek, taiaba mashg'ulotga tayyor bo'lmasa, bunda ham u guruhga pand beradi, chunki guruh uning uchun ishlashi kerak bo'ladi;

- talabalar o'z javoblarini ikki marta: yozma ish paytida va og'zaki muhokama vaqtida tahlil qilib borishadi.

Shunday qilib, ta'lim jarayonida qo'llaniladigan mazkur interfaol usullar o'quvchi-talaba laming mustaqilligi, ishchaniigi, uyushqoqligi, xushmuomalaligi, ijodiy fazilatlarini kamol toptirishga yordam beradi.

## INTERFAOL METODLAR –TA'LIM SAMARADORLIGI

**(«Бошланьич таълим», 2008 йил №6, 10-11 бет)**

Ma'lumki, ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlarni tadbiq etishga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Boisi, bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarning o'qish motivlarini

o'stiradi.

Innovatsiya so'zining ma'nosiga e'tibor bersak, u (inglizcha *innovation)* yangilik yaratish demakdir. Ya'ni, an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish demakdir. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interfaol metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun, avvalo, darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o'qituvchi o'zining ish shakllari va o'quvchilarning ko'nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o'qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Bunda ko'proq interfaol metodlarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi. (Interaktiv so'zi inglizcha - interaction, ya'ni, inter - aro, o'zaro, act - harakat ma'nosini anglatadi.) Interaktiv usullar - bu o'zaro harakat, ya'ni hamkorlik asosida o'qitish demakdir. Ularning 4 asosiy turi mavjud. Bular:

- kognitiv usullar;
- o'yinlar, eksperimental faoliyat;
- ishbilarmonlik o'yinlari, modellashtirish;
- amaliyot orqali o'qitish, bevosita faoliyat.

Bunday usullarning barchasida ham o'qituvchi va o'quvchi o’rtasidagi hamkorlik, o'quvchining ta'lim jarayonidagi faol harakati ko'zda tutiladi. Masalan, biror-bir mavzuni o'rgatishda uni modeliashtirish qismida o'qituvchi o'quvchilarga modelni namoyish qilish oldida "Aqliy qujum" metodidan foydalanishi mumkin. Ya'ni o'quvchilar qo'yilgan muammoni qanday tushunishlari va ko'nikmani qanday egallashlari mumkinligi ulardan soValib, fikrlari umumlashtiriladi. Bunda o'quvchilar fikri mutlaqo tanqid qilinmaydi. Amaliy boshqaruv qismida o'qituvchi "hamrohingga o'rgat" metodidan foydalanishi mumkin. Bu metod darsni optimal tashki! etishga imkoniyat yaratib, o'quvchilaming o'z faoliyatini tanqidiy nazorat qilish va xatolarni bartaraf etishga o'rgatadi. Uni qo'llash quyidagicha:

- Sinf birinchi va ikkinchi hamkor qismlarga boiinadi.
- Darsni o'tish modelidan foydalanib, birinchi hamkor ikkinchisiga, ikkinchi hamkor esa birinchisiga modeldagi qismlarni oVgatadi.
- O'qituvchi xohlovchilarga ta'lim metodlari vositasida model qismlarini avval tushuntiradi, keyin koVsatadi. O'quvchilar o'qituvchi aytgan va ko'rsatganlarini takrorlaydilar va bajaradilar.
- O'qituvchi sinfni nazorat qilish uchun o'ziga ixtiyoriy 2 nafar hamkorni tanlaydi. O'qituvchi o'z hamkorlariga modelni bosqichma-bosqich bajartirib ko'radi. Tushunmaganlarini tushunib o'rganishlariga yordam beradi.
- O’qituvchi sinfdagi hamkorlarga birinchi qismni **bir-**birlariga o'rgatishlari va bajarishlarini aytadi. Ularni ishlarini nazorat qilib, kamchiliklarni bartaraf etishga yordamlashadi. Shundan keyingina navbatdagi bosqichga o'tiladi. O'qituvchining hamkorlari esa sinfni nazorat qilishda o'qituvchiga yordamlashadilar.
- Bu ish usuli modelning boshqa qismlarini ham bajarishda davom etadi. Bu o'quvchilarni bir-biriga va o'ziga talabchan bo'lishga, xatolarni o'z vaqtida bartaraf etishga, ishni tanqidiy baholay bilishga oVgatadi.

Tushunchalarni tekshirishda o'qituvchi turli interfaol metodlar -("Bumerang", "Charxpatak", "Aqi charxi" va boshqalar)dan foydalanishi mumkin. Masalan, "Charxpalak metodi". O'quvchilarni guruhlarga boMib, ularga topshiriqlar yozilgan varaqa tarqatiladi. Masalan:

Quyidagilarni qaysi so'z turkumiga tegishliligini aniqlang.

| **So'zlar** | **So'z turkumlari** |
|---|---|
| | **Ot sifat son olmosh fe'l** |
| **oyna** | |
| **sindi** | |
| **qizil** | |
| **qalam** | |
| **o'nta** | |
| **sinf** | |
| **men** | |
| **Ikki** | |
| **parta** | |
| **yashil** | |
| **yuradi** | |
| **sen** | |

O’quvchilar topshiriqni bajarganlaridan keyin ularning ishlari guruhdagi boshqa o'quvchilarga tarqatiladi. Ular tegishli o'zgartishlar kiritganlaridan keyin yana boshqa o'quvchilarga beriladi va shu tarzda o'quvchilarning har birining ishi guruhdagi barcha o'quvchilar qo’lidan o'tadi va oxiri o'ziga qaytadi. Ularning har biri o'zlari nuqtai nazaridan ishga o'zgartirishlar kiritishlari mumkin. Keyin o'qituvchi to'gVi javobni ko'rsatadi. Bu usulda o'quvchilar ijodiy fikrlashga, o'z fikrlarini erkin bayon etishga va o'z kamchiliklarini bilish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

"Aqf charxi" usulida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutqi ravonlashadi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanadi.

Bu o'yinda ikki yoki uchta o'quvchidan iborat guruhchalar ishtirok etadi. Birinchi o'quvchi mavzuga doir terminlardan birini aytadi. Ikkinchi o'quvchi birinchi o'quvchi aytgan terminni qaytaradi va o'zi ham bitta termin aytadi. Uchinchi o'quvchi avvalgi ikkita terminni qaytaradi va bitta termin qo'shib aytadi. Yana birinchi o'quvchiga navbat keladi, u ham avvalgi uchta terminni qaytaradi va o'zi bitta termin qo'shib aytadi. Qaysi o'quvchi adashib ketsa yoki aytilgan terminiarni qaytarib aytsa, o'yindan chiqadi. Shu tariqa o'quvchilar guruhi davom etadi o'yinni tashkil etishda maqsad aniq bo'lishi va o'quvchilarning qaysi bilim, ko'nikma va malakalarni egallashlariga e'tibor qaratilishi muhim.Masalan; ot - so'z turkumiga tegishli so'zlarni ayting:

1-o'quvchi: bulbul.

2- oquvchi: bulbul -qarg a.

3- o'quvchi: bulbul- qarg'a- mushuk

1- o'quvchi: bulbul- qarg'a- mushuk-ota

2- o'quvchi: bulbul- qarg'a- mushuk-ota-opa

3- o'quvchi: bulbul- qarg'a- mushuk-ota-opa-uka va hokazo/

O'quvchi so'zlarni ketma-ket aytishda xatoga yo’l qo'ysa, o'yindan chiqadi. Xuddi shu taxlitda "So’z turkumlari", "Otlarning egalik qo'shimchalari bilan qo'llanishi", "Otlarning kelishik qo'shimchalari bilan qo'llanishi", «Ot yasovchi qo'shimchalar" va boshqa mavzufarni oVganishda ham bu o'yindan foydalanish mumkin. Bu oVin, ayniqsa, umumlashtirish va takrorlash darslarida qo’l keladi.

Boshlang'ich sinfda ta'lim jarayonida o'quvchilarning o'qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o'quvchilarni ta'lim jarayoniga qiziqtiradi, darsga faol qatnashishiga, bilimlarni puxta egallashga undaydi. Interfaol metodlar o'qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi. Masalan, "Baxtli tasodif" usuli.

Bu usul orqali mavzu yuzasidan uyga berilgan topshirtqlarni nechog'li oVganilganligini aniqlash oson bo'ladi. Buning uchun qog'ozdan kartochkalar tayyorlanadi va har bir kartochkaga 2-3 tadan savollar qoViladi. Faqat bitta kartochkaga "Yutuq "5" baho" deb yoziladi. Shu yutuqli kartochka kimga nasib qilsa, "Baxtli tasodif" sohibi hisoblanadi va bugungi darsda eng yuqori ballni oladi. Savolli kartochkalar olgan o'quvchilar ham savollarga bergan javoblari asosida baholanadilar. Masalan, 4-sinf ona tili darsida "Baxtli tasodif" o'yini quyidagicha tashkil etilishi mumkin:

"Baxtli tasodif" o[1]yini uchun tuzilgan kartochkalar: Baxtli tasodif- 1

1. Gapning qanday bo'laklari bor?

2. Ega va kesim gapning qanday bo'laklari?

Baxtli tasodif – 2

1. Gapda so'zlar qanday bog'lanadi?

2. Kesim nimaga bog'lanadi?

Baxtli tasodif- 3

1. Gapda ikkinchi darajali boNaklar nimaga bog'lanadi?

2. So'roqlar yordamida quyidagi gapning bosh va ikkinchi darajali bo'laklarini toping?

Gullar kechasi ko'zlarini yummaydi.

Baxtli tasodif- 4

1. Gapda so'zlar nimalar yordamida bogManadi?

2. Quyidagi gapdagi gap boNaklarini aniqlang?

*Men elimning yuragida yashayman.*

Baxtli tasodif – 5

Yutuq «5» baho

Bunday usullar o'quvchida bilimga ishtiyoq uyqg'otadi. O'quvchi darslarga puxta hozirlik ko’rishga intiladi.

Xulosa qilib aytganda, interfaol usullar darsning qiziqarliligi va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarni ta'lim jarayonining faol sub'yektlariga aylantiradi.

## SO'Z TURKUMLARI

**(«Бошланьич таълим», 2008 йил №7, 30-31 бет)**

**Dars mavzusi:** So'z turkumlari haqida egallagan bilimlarni mustahkamlash.

**Ta'limiy maqsad:** O'quvchilarni ot, sifat; son, fe'l haqida egallagan bilimlarini boyitib, uni hayot bilan bog'lay olishga o’rgatish.

**Tarbiyaviy maqsad:** Mavzuning mohiyatini o'quvchilar ongiga yetkazib berish, ularda birodarlik, hozirjavoblik, topqirlik fazilatlarini tarbiyalab boorish.

**Darsning jihozlanishi:** Mar bir guruh uchun topshiriqlar yozilgan konvert, «Sehrli kvadratlar» koVgazmali quroli, rasmli raqamlar, savollar majmui, rag'bat kartochkalari.

**Darsning shiori:** «Kuch - bilim va tafakkurda». I.A.Karimov.

Darsning tashkil **etilishi:**

a) salomlashish;

b) davomatni aniqlash;

d) sinf tozaligini tekshirish.

**Baholash mezonlari:**

Qizil - 5 ball
Sariq - 4 ball
Yashil - 3 ball
Oq - 2 ball

**Darsning borishi:**

**O'qituvchi:** - Aziz o'quvchilar! Biz o'tgan darslarimizda so'z turkumlaridan ot, sifat, son, fe'l, olmosh, ya'ni — so'z turkumlari yuzasidan barcha ma'lumotlarga ega bo'ldik. Bugungi darsimizda olgan bilimlarimizni mustahkamlaymiz. Buning uchun guruhlarga bo'linamiz.

**Ajratish metodi.** Har bir guruhga alohida konvert tarqatiladi. Konvertda ot, sifat, son, olmosh, fe'l so'z turkumlariga kiruvchi so'zlarga 10 tadan misol keltirilgan bo'ladi. So'zlari ikki daqiqa davomida guruhlarga ajratiladi, so'ng guruhlarga quyidagicha jadval tarqatiladi va shart bajarilgach, guruh sardori chiqib, jadvalni doskaga ilib javoblarini izohlaydi.

*(4-sinflar uchun)*

**1-guruh**

| OT | SIFAT | SON | OLMOSH | FE'L |
|---|---|---|---|---|
| kitob<br>gul<br>o'qituvchi<br>quyosh<br>ota | oppoq<br>nordon<br>qiyshiq<br>baland<br>muloyim | to'rtinchi<br>beshta<br>to'qqizinchi<br>uchta<br>oltovlon | menga<br>senga<br>u<br>bizning<br>ularni | yozdi<br>terdi<br>kuyladi<br>so'ziadi<br>tingladi |

**2-guruh**

| OT | SIFAT | SON | OLMOSH | FE'L |
|---|---|---|---|---|
| daftar<br>olma<br>o'quvchi<br>oy<br>ona | moshrang<br>achchiq<br>yapatoq<br>past<br>aqlli | ikkinchi<br>o'nta<br>sakkizinchi<br>oltita<br>yetovlon | sendan<br>ularga<br>bizga<br>unga<br>sizdan | uxladi<br>o*qidi<br>yugurdi<br>tushundi<br>kechirdi |

**3-guruh**

| OT | SIFAT | SON | OLMOSH | FE'L |
|---|---|---|---|---|
| qaiam<br>dugona<br>tarvuz<br>farzand<br>tuproq | shirin<br>ola-bula<br>dumaloq<br>keng<br>saxiy | yettinchi<br>o'nta<br>o*n birinchi<br>ikkita<br>birinchi | sizga<br>bizdan<br>mening<br>sen<br>birinchi | gulladi<br>to'kildi<br>so'zladi<br>ishondi<br>jilmaydi |

**«Sehrli kvadrat» o'yini-** Bu o'yinda quyidagi topshiriqlarni bajargan o'quvchi «sehrli kvadratlar»ga yashiringan so'zni topish uchun bir dona harf yaratish huquqini qoMga kiritadi. Bunda so'zning qaysi mavzuga doir ekanligi haqida urf bo'lgan yangi kasb nomi.

**1-guruhga topshiriq:**

jSodda, qo'shma, juft, takroriy otlarga bir daqiqa davomida beshtadan misol keltiring:

a) sodda otlar: kitob, gul, daraxt, osmon, o'quvchi;

b) qo’shma otlar: qorbo'ron, Beshariq, gultojixo’roz, sadarayhon, beshiktebratar;

d) juft otlar: ota-ona, aka-uka, yosh-qari, qo'ni-qo'shni, tevarak-atrof;

e) takroriy otlar: tovuq-povuq, osh-posh, qoV-po[l]y, choy-poy.

**2-guruhga topshiriq:**

Atoqli, turdosh otlar, shaxs, o’rin-joy otlarining har biriga daqiqa davomida beshtadan misol keltiring.

a) atoqli otlar: Toshkent, Sirdaryo, Akbar, Abdujabbor, Navoiy;

b) turdosh otlar: o'qituvchi, shifokor, qalam, gilam, shahar;

d) shaxs otlari: paxtakor, sinfdosh, suvchi, oshpaz, ishchi;

e) o’rin-joy otiari: mehmonxona, mahalla, tuman, shahar, gulzor.

**3-guruhga topshiriq:**

**«Kim zukko» o’yini.** Bu o'yinda har bir guruh ishtirokchilari to'rttadan harf aytish huquqiga ega bo'ladilar va o'quvchilar yashiringan so'zni topish asosida ot so'z turkumini takrorlaydilar.

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| t | a | d | b | i | r | k | **o** | r | l | i | k |

Tadbirkorlik so'zining umumiy tahlili. (Bu sahifada o'quvchilar nazariy bilimlarini amalda qo'llaydilar).

1-guruhga **topshiriq. Tadbirkorlik** so'zining so'z tarkibi bo'yicha tahlil:

a) *tad-bir-kor-lik* - so'z toVt bo'g'indan iborat;

b) tadbirkorlik - so'zning o'zagi -tadbir, -kor - ot yasavchi qo'shimcha, -lik - mavhum ot yasovchi qo'shimcha.

**2-guruhga topshiriq: Tadbirkorlik** so'zining morfologik tahlili.

*Tadbirkorlik* - ot, turdosh ot, aniq ot, sodda ot, bosh kelishik, III shaxs **birlikda.**

**3-guruh. Topshiriq: Tadbirkorlik** so'zining fonetik tahlili.

T - undosh harf, jarangsiz, portlovchi.

A- unli harf, til oldi.

D - undosh harf, jarangli, portlovchi.

B- undosh harf, jarangli, portlovchi.

I - unli harf, til oldi.

R - undosh harf, jarangli, sirg'aluvchi.

K - undosh harf, jarangli, portlovchi.

0 - unli harf, til o'rta.

R- harf, jarangli, til oldi, sirg'aluvchi.

L - undosh harf, jarangli, til oldi, sirg'aluvchi.

1 - unli harf, til oldi.

K - undosh harf, jarangli, til orqa, portlovchi.

So'z 12 ta harf, 12 ta tovushdan iborat.

Test

l.To'g’ri yozilgan gaplar qatorini belgilang.

a) Qog'ozdan Doniyor qayiq yasadi.

*b) Doniyor qog'ozdan qayiq yasadi.*

d) Qayiq qog'ozdan yasadi Doniyor.

2. Qanday? Qanaqa? So’roqlariga javob bo’lgan so'zlar qatorini belgilang.

*a) qudratli, bamo, suluv, dilbar*

b) chiroyli, diyor, davlat, yirik

d) ulug\ havo, qahramon, musaffo

3. Topishmoqda nechta son bor?

*Bitta she'rda sichqoncha*

*To'rt-besh harfni qo'ydi.*

*Ma'nosiga tushunmay,*

*Mazasi yo'q, deb qo'ydi.*

*a)3ta* b) 2 ta d) 4 ta

4. Otlarda nechta kelishik bor?

*a) 6ta* b) 5 ta d) 7 ta

5. Qaysi qatordagi tahlil to'gYi?

a) *Mevalar* g'arq *pishadi.*

b) *Mevalar g'arq pishadi.*

d) Mevalar g'arq *pishadi.*

6. Fe'llarda nechta zamon bor?

a) 4 ta *b)3ta* d) 5 ta

Rasm asosida «Ertaklar olamiga sayohat» matnini yaratish. (Bunda o'quvchilarning yetarli darajada so'z boyligi, o'rgangan mavzularni amalda qo'llay olish, so'zlarni o'rinli va me'yorida ishlatish, tasviriy vositalardan unumlt foydalanish, matn yaratish boyligi kabi ko'nikma va malakalar sinaladi). Sifatlarni topib tagiga chizish topshirig'i beriladi.

*Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim o'tgan zamonda Abdulla ismli bir cho'pon bolgan ekan. U juda oqko'ngii, sodda va mehribon inson sifatida qishlog'ida nom qozongan ekan. O'sha qishloqda Sarvar degan bir yosh yigit yashar ekan. U cho'pon yigitni koVolmas, unga har doim yomonlik tilar ekan.*

Bir kuni Abdulla... Shu tariqa matn davom etadi.

«Ha» **yoki** «Yo’q» **o’yini.**

Har bir guruh sardoriga 10 ta savol beriladi. Bu o'yinda hozirjavoblik talab qilinadi. To'xtab qolgan yoki nottfgVi javob bergan guruhning bali pasaytiriladi.

**1-guruh**

1. Ot narsaning belgisini bildiradimi? - Yo'q.
2. Sifat kirn? nima? So’rog'iga javob beradimi? - Yo'q.
3. Ot gapda ega vazifasida keladimi? - Ha.
4. -chi qo'shimchasi ot yasovchi qo'shimchami? - Ha.
5. *Tustovuq* so'zi qo'shma otga kiradimi? - Ha.
6. Sonlarning hammasi raqamlar bilan yoziladimi? - Yo'q.
7. *Men, sen, u* olmoshlari ko'p shaxsni bildiradimi? - Yo'q.
8. *Toshkent* so'zi o’rin-joy oti hisoblanadimi?-Yo'q.
9.Gul so’zi atoqli otga kiradimi?-Yo’q.
10. *Moshrang* so'zi maza-ta'mga kiradimi? - Yo'q.

**2-guruhga**

1. Sifat narsaning belgisini bildiradimi? - Ha.
2. Son qanday? Qanaqa? So’rog'iga javob bo'ladimi? - Yo'q.
3. *Bog'bon* so'zi shaxs otiga kiradimi? - Ha.

4. -mi, -imiz egalik qo'shimchasiga kiradimi? - Ha.

5.*O'quvchilar* so'zi birlikda kelganmi? – Yo’q.

6. *Daraxt* so’zi atoqli otmi? - Yo'q.

7. Bosh kelishikning qo'shimchasi bormi?-Yo'q.

8. *Achchiq, nordon* so'zi maza-ta'mga kiradimi?- Ha.

9. *Bog'* so'zi sodda otga kiradimi? -Ha.

10. *Ishchi* so'zi narsa-harakatini bildiradimi? - Yo'q.

**3-guruhga**

1. Fe'l narsaning nomini bildiradimi?-Yo'q.
2. Ega, kesim gapning bosh bo'laklariga kiradimi? - Ha.
3. Qo'shma otlarning barchasi qo'shib yoziiadimi? - Yo'q.
4. *Biz, siz, ular* olmoshlari ko'plik shaxsni bildiradimi? - Ha.

5.*Yam-yashil, bus-butun* so'zlari shaxs otiga kiradimi? - Yo'q.

6. *Xiva* orol nomimi? - Yo'q.

7. *Adabiyotshunoslar* so'zi qo'shma otga kiradimi? - Ha.

8. *Muioyim* so'zi xil-xususiyatga kiradimi? - Ha.

9. *Yigirma birinchi asr* so'zi rim raqami bilan yoziladimi? - Ha.

10. *Paxtakorlar* so(zi birfikda kelganmi?-Yo'q.

**Uyga vazifa:**

4-sinf «O'qish kitobi»dan biron badiiy asardan parcha ko'chirib, undagi ot, sifat, son, fe'llarni topib, tagiga chizish topshiriladi. O'quvchilarning ishlari baholanib, dars davomida faol qatnashganlar rag'batiantiriladi.